МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — МАЙ БАЙРАМИГА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 79 (4538).

21 АПРЕЛЬ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎРТА ЧИРЧИҚ, ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИ ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИШДИ

Майолди социалистик мусобақасини кенг авж олдирган Ўрта Чирчиқ районининг пахтакор-механизаторлари чигит экишни тамомладилар. 22700 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Механизаторлар ҳар бир кунни ғанимат билиб техникадан самарали фойдаландилар. Иш унумини 1,5—2 бараварга кўтариб, қисқа муддат ичида экишни сифатли ўтказдилар. Райондаги Охунбобоев номли, «Полярная звезда», Икромов номли, Терешкова номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда айниқса экиш уюшқоқлик билан ўтказилди. Механизаторлар сифатли ҳайдалиб, яхши текисланган майдонларга уруғ қададилар.

Янгийўл райони меҳнаткашлари ҳам чигит экишда уюшқоқлик кўрсатишди. Сеялкалардан унумли фойдаландилар, тракторчилар вақт билан ҳисоблашмадилар. Ҳар бир механизатор социалистик мусобақа байроғини юқори кўтариб, топширган ишни чуқур масъулият ҳис этган ҳолда бажарди. Шу сабабли қисқа кун ичида 23051 гектардан ортиқ ерга сифатли чигит экиб бўлинди. «Ленинизм», «Коммунизм», Ниёзов номли, Жданов номли ва бошқа колхозларда чигитлар гербицидлар ёрдами билан экилди.

Экишни муваффақиятли тамомлаган пахтакорлар эндиликда пайкалларни синчиклаб кўздан кечирмоқдалар. Бурчакларга, уватлар, марзалар, ўқ ариқлар, шох ариқларнинг ёнига ҳам чигит экишяптилар. Ҳар бир хўжаликда тўла гектарлар учун кураш қизғин тус олди.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ! КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ МАМЛАКАТ ИНДУСТРИАЛ ҚУДРАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНИКА ДАРАЖАСИНИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ҚУНТ БИЛАН ОШИРИНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан.

ЯНГИ ЭКИНЗОРЛАР БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Шаввозсойнинг чап қирғоғи катта-кичик тепалик ва жарликлардан иборат. 200 гектардан ошиқ майдонли «Мингтепа» деб аталган ерлар неча-неча асрлардан бери сувсизликдан қақраб ётарди. 1-«Оҳангарон» совхоз меҳнаткашлари икки йилдан бери шу ерларни ўзлаштиришга киришдилар. 100 гектар майдонга сув чиқариб экинзорга айлантирмоқдалар. Совхоз механизаторлари қиш кунлари ҳам тинимсиз меҳнат қилишди. Улар тепаликларни суриб, жарликларни тўлдирдилар. Ҳар бири 30—40 гектарли текис ва яхлит карталар вужудга келтирилди, канал қазилиб сув чиқарилди. Бу ишда Абдурашид Қашамов бошлиқ бульдозерчилар — Т. Абдуллаев, К. Йўлдошев, Олейник ўртоқлар жонбозлик кўрсатиб ишладилар. 500 дан ортиқ катта-кичик тепаликларни туриб, текисладилар.

Шунингдек, 1-бўлимнинг азамат деҳқонлари «Отчопар» ва «Кўтарма» массивларида 35 гектар, 2-бўлим меҳнаткашлари «Бўлиқ» массивида 20 гектар янги ерни ўзлаштирдилар. «Ялмоқтепа» каналидан насос орқали сув чиқариб, экинзорларга айлантирдилар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

ЧОРВАДОРЛАР АРМУҒОНИ

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириб, СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига арзигулик совғалар билан боришга аҳд қилган Оржоникидзе райони чорвадорлари ҳар куни аҳоли дастурхонига белгиланганидан зиёд гўшт, сут, ҳамда тухум жўнатмоқдалар.

Шаҳарликларга чорва маҳсулотлари етказиб беришда райондаги машъал «Қизил Ўзбекистон» колхози чорвадорларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар шу йилнинг биринчи квартали планларини ошириб бажариб, 56 тоннага яқин гўшт, 310 ўрнига 323 тонна сут, 28 ўрнига 43 минг дона тухум тайёрладилар.

Шунингдек, районнинг «Октябрь», «Коммунист» колхозлари ва «Химик» совхозларида чорва маҳсулотлари кўплаб тайёрланмоқда.

Р. ИСМАТОВ.

ЯНГИЙЎЛ. «Интернационал» колхозида чигит экиш қисқа муддатларда ўтказилди. Механизаторлар тез ва соз ишладилар. Суратда: тракторчи М. Махарадзе ва сеялкачи М. Вайсалов ўртоқлар сўнгги гектарларга барака уруғи қадамоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ҲАМ САБЗАВОТ, ҲАМ ЧОРВА

Калинин райони республикамизда сабзавот, картошка, полиз, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик районлардан бири ҳисобланади.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан руҳланган ҳолда тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини ошириб бажариш учун астойдил ғайрат кўрсатиб, давлатга 104 минг тоннадан зиёд сабзавот сотдилар. Районда беш йиллик планни тўрт йилда бажариш ташаббускори бўлган «Ленин йўли», «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Карл Маркс номли, Собир Раҳимов номли, «Москва» колхозлари, «Партия XXI съезди», 2-«Тошкент», «Қорасув» совхозлари айниқса зўр фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Ўтган йили ҳосилдорликни гектар бошига кескин ошириш туфайли мўл маҳсулот олишга эришилди. Деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, экинларга агротехника талаблари асосида ишлов бериш, механизациядан унумли фойдаланиш, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, сувдан, ўғитдан ва экин майдонларидан унумли фойдаланиш, парник хўжалиги ишларини тубдан яхшилаш, социалистик мусобақани кенг кўламда ташкил этишга ҳар бир хўжаликда алоҳида эътибор берилди.

Район чорвадорлари ҳам жамоат чорвачилигини ривожлантириш, маҳсулдорлигини янада ошириш, давлатга сифатли чорва маҳсулотлари сотиш соҳасида яхши ютуқларни қўлга киритдилар. Қорамол бош сони плани район бўйича 105,5 процент, чўчқалар бош сони 101,3 процент бажарилди. Давлатга сут сотиш плани 106,5 процент, гўшт 114,8, тухум 111,3, жун 115,1 процент адо этилди.

Район колхоз ва совхозларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни давлатга сотишнинг 1971 йилги якуни ҳамда бу йилги вазифалари юзасидан чақирилган район қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Камолов қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ана шу ютуқлари ҳақида сўзлади

СССР 50 йиллиги шарафига мўл ҳосил учун замин тайёрлаш мақсадида қабул қилинган тадбирий чораларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалик экинларини агротехника талаб ва муддатларида парваришлаш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, тупроқ структурасини яхшилаш, экин майдонларида етарли чиринди ҳосил қилиш мақсадида ҳар гектар ерга камида 15—16 тоннадан маҳаллий ўғит солиш, бунинг учун алоҳида бригадалар тузиб, уларни механизация воситалари ва одам кучлари билан таъминлаш, ўтган йилга нисбатан плёнка остида экилган сабзавотлардан уч баравар кўп маҳсулот олиш, мўл чорва маҳсулотлари етказиб бериш лозимлиги кенгашда таъкидланди.

«Ленин йўли» колхози раиси С. Муҳаммаджонов, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг зоотехниги Тўлаганов, 1-«Назарбек» совхози партия ташкилотининг секретари Дўсжонов, «Қорасув» совхозининг экономисти Шамсиев, Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Эшонов, теплица комбинатининг директори Чўтбоев, Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтининг директори Ғаниева ва бошқа ўртоқлар тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини ошириб бажариш, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиш юзасидан белгиланган барча тадбир-чораларни айтиб бердилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери (процент ҳисобида).

Оққўрғон	—	100,2
Юқори Чирчиқ	—	100,0
Ўрта Чирчиқ	3,0	100,0
Янгийўл	2,9	99,9
Пискент	7,5	96,3
Бўка	6,0	95,4
Бекобод	5,1	78,0
Оржоникидзе	3,5	22,3
Область бўйича	3,4	95,3

БИР ЙЎЛА ОЛТИ ҚАТОРГА

ОҚҚЎРҒОН. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори Иброҳим Акбаров бир сеялка билан 104 гектар ерга тўрт кун ичида чигит экиб бўлди. Бу ерда давлат синовидан ўтказилаётган олти қаторли сеялка пахтакорга ёрдам берди. Унинг унумдорлиги тўрт қаторли сеялкага нисбатан салкам бир ярим баравар ортиқ. Пахтачилик учун машиналар ихтисослаштириш бош конструкторлик бюроси таклиф этган янги машина 90 сантиметрли қатор ораларига чигит экади.

Олти қаторли сеялка тиркаладиган «МТЗ—80 Х» тракторига айни вақтда минерал ўғит ва гербицид соладиган мосламалар ҳам ўрнатилади.

Янги сеялканинг қўлланилиши олти қаторли машиналар системаси синовларининг бошланғичи бўлди. Шундан кейин культиватор, чеканка мосламаси, экспериментал пахта териш ва кўрак узиш машиналари ҳам шу тракторнинг ўзига тиркаб ишлатила беради.

Пахта етиштиришда ишлатиладиган олти қаторли машиналар беш йиллик охирига бориб кўплаб ишлаб чиқариладиган бўлади. (ЎзТАГ).

ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ ХИЗМАТИДА

Дала ишлари қизғин тус олган ҳозирги кунда область маданий-оқартув муассасалари ходимлари деҳқонлар хизматида бўлмоқдалар. Улар пахтакорларга концертлар кўрсатиб, тематик кечалар, оғзаки журнал, доклад, суҳбатлар ўтказишмоқда.

Бўстонлиқ район маданият бўлими йўли билан «Ленинобод», «Қизилту» колхозлари, 13, 11, 14-совхозларда ҳамда 1, 4, 20-ўрта мактабларда СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги, Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг ярим асрлик юбилейи олдидан тематик кечалар, суҳбат, докладлар ўтказилди.

Дала шийпонларида, колхоз, совхоз клубларида маданий хизмат кўрсатишда Ўрта Чирчиқ район маданият бўлими ҳам яхши иш қилмоқда. Бу ерда алоҳида график тузиб чиқилди. Планга кўра бадиий ҳаваскорлар район «Билим» жамиятининг аъзолари ҳамкорлигида «Партия XXII съезди», Энгельс, Куйбишев, Карл Маркс номли колхозларда бўлишди.

Бундан ташқари, район маданият бўлимининг ходимлари колхоз, совхоз, дала шийпонларини кўргазмали агитация воситалари билан безашда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Пискент районида эса 2 та агитмашина ташкил этилди. Улар кучи билан қишлоқ клублари ва дала шийпонлари жиҳозланмоқда.

Т. РАВШАНОВ, область маданият бошқармасининг ходими.

ФЕРМА ҚИЗИ

Сайринисо ҳар куни мактабдан қайтгач, фермага йўл оларди. У соғувчилар ишини қизиқиб кузатар, елиб-югуриб уларга кўмаклашарди.

— Сайринисо, бидонларни тозала...

— Сайринисо, сигирларга пичан ташла....

У ҳаммага ёрдам беришга ошиқади. Сигирларни меҳр билан силаб-сийпайди. Охурларни тўлатиб, озуқа ташлайди. Ферманинг илғор соғувчиси Тиллахон опа сигирларни соғаётганда эса унинг чаққон ҳаракат қилаётган бармоқларига, челакка тушаётган сут оқимига ҳавас билан қарайди.

Тиллахон опа Сайринисонинг кўнглидагини сезгандай қўлига челак тутқазади.

— Ановисини соғиб кўрчи, — деди у бир кун четроқда турган ола сигирни кўрсатиб.

— Сайринисонинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди. Қўлига челакни олиб сигир ёнига борди. Қўлини ювиб, елинига қаймоқ суртишни ҳам унутмади. Сўнг сигир соғишга ўтирди. Қулоқлари тагида челакка шовуллаб тушаётган сут оқимининг ёқимли овози жаранглади. Тиллахон опа Қозоқбоева шогирдининг машқини мамнун к атар, челак тўла сутни бидонга ағдарар экан:

— Ҳаракатнинг чакки эмас, аста-секин ўрганиб кетасан, — деди. — Сигирни қанча парваришласанг вақтида емиш бериб, вақтида хабар олсанг бас. Ўқишни битиргин ёнимга оламан.

Сайринисо саккизинчи синфни тугатганда мустақил иш юритаоладиган соғувчи бўлиб қолганди. Фермага келиб ишлаш нияти борлигини мудирга айтди.

— Тўғри ўйлабсан, қизим, — деди мудир Мамат Бобожонов. — Фермамизга сенга ўхшаш ишчан, касбни севадиган ёшлар жуда керак. Яқинда барча ишни механизациялаштирамиз. Сигирларни ҳам аппаратда соғасизлар.

Неча йилдирки, Сайринисо фермада сигир соғади. Йил сайин кўпроқ сут олишга ҳаракат қилади. Дастлаб у ҳар бош сигирдан 2 минг литрдан ошириб сут соғиб олди. Бу кўрсаткичдан кўнгли тўлмади. Қандай қилса сигирлардан кўпроқ сут соғиб олиш мумкин? Шу дамда унинг кўзига икки челакдан ошириб сут берадиган говмуш кўринди. Бу сигирларнинг нимаси кам?

Шу кунларда совхоз маъмурияти чорвачиликни яхшилаш, фермани янгилаш масаласини қараб чиқди. Тажрибали чорвадорлар аввало ем-хашакни кўпайтириш, кўпроқ жойга тўйимли озуқа экинлари экиш лозимлигини гапирдилар. Маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш, молларни тўйимли озуқа билан мўл таъминлаш учун ҳар гектар ердан 500—600 центнердан кўкпоя олиш учун курашилди. Сенаж бостириш, хашаки лавлагини маккажўхори билан қўшиб экиш, судан ўти сут булоғини оширишнинг асосий омили бўлди.

Чорвачилик фермаси ҳам кенгайди. Янги сигирхона ишга тушди. Молларни суғориш механизациялашди. Сигирларга ем-хашак келтириш қўлда эмас, махсус тракторларда бажариладиган бўлди. Сайринисонинг назарида сут булоғининг кўзи очилди. Сигирлардан шу йили 2500 литрдан ошириб сут соғиб олинди.

Сайринисонинг номи тилга туша бошлади. Совхоз директори Абдуқодир Қозоқбоев ҳам фермага тез-тез келадиган, сигирларни кўздан кечириб, зотини суриштирадиган бўлиб қолди. Соғувчилар тажрибаси ўрганилди.

— Сутни кўпайтириш учун яна нима қилиш керак?— деди кунлардан бирида совхоз директори Сайринисога.

— Фермамизда энг кўп сут зотли моллардан олинаяпти,— деб сўз бошлади у.— Аммо, бу сигирлар сони унча кўп эмас. Менимча, наслдор сигирлардан олинадиган бузоқларни тарбиялаб, сигир қилишимиз керак. Фермада етилган бузоқ ҳар томонлама иқлимга чидамли, бақувват, шароитга мос сигир бўлади.

«Сайринисо жуда маъқул гапни айтди. Зотли сигирлар сонини ошириш керак, деб такрорларди директор. Шунда чорвачилик мустақил соҳага, даромадли тармоққа айланади».

Фермага «Волга» сут соғиш аппарати ўрнатилиши роҳати-жон бўлди. 25 сигирдан бирма-бир қўлда соғишга озмунча вақт кетадими? Тўғри, олдинлари сигирлар бу аппаратга ўргана олмагани учун бироз сут миқдори камайгандек бўлди. Аста-секин кўникиб кетди. Мана, энди агрегат билан бир зумда қанча сигир бўлса ҳам соғилади. Меҳнат унумдорлиги эса икки баравар ошди.

Сайринисо Бойназарова унинг дугоналари Қимматхон Ҳасанова, Иноят Жўраевалар бўш вақтларини одатда дам олиш хонасида ўтказадилар. Бу ерда гоҳ гурунг қизиб, кулги кўтарилса, гоҳ ўзаро баҳс авжига чиқади.

— Қўшни Ленин номли колхоз фермасидан Иномхон Абдуллаевани мусобақага чақирдим,— дейди Иноят дугоналарининг фикрини тортиб.— Аммо, у ҳалигача бир нарса демаяпти. Мен ўзаро тажриба алмашсак, навбат билан фермадаги ишларни кўздан ўтказсак, дегандим. Сизлар нима дейсизлар?

— Иномхонни биламиз,—деди Сайринисо кулиб.— Ишни зимдан қилиб, сизни орқада қолдирмасин. Эҳтиёт бўлинг, мусобақада ютқазсангиз бизни ҳам ерга қаратган бўласиз.

Иноят хушнуд жилмайди. Йўқ, мусобақада ютса ютадики, ютқазмайди. Бу йил 26 бош сигирнинг ҳар бирдан 2500 ўрнига 3000 литрга етказиб сут соғиш мажбуриятини олган, ўтган квартал планини ҳам ошириб бажарди. Энди сигирлар кун сайин сутига сут қўшаяпти.

Қимматхон Хусанова ҳам салкам ўн йилдирки, шу фермада соғувчи бўлиб ишлайди. У олдин онасига қарашиб юрди. Ҳозир эса ферманинг илғор, тажрибали соғувчиларидан. Унинг қарамоғида 30 га яқин сигир бор. Бу йилги марра уч минг литр деб йил бошида аҳд қилган.

Совхоз чорвачилик фермаси қишлоқ чеккасига жойлашган. Сигирлар парваришини жойига қўяётган молбоқарлар, соғувчилар ҳаракати чаққон, руҳи тетик. Улар зиммадаги план топшириқларини ошириб бажариб келмоқдалар. Ферма мудири тажрибали чорвадор Мамат Бобожонов илғор соғувчилар амалга ошираётган ишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

— Чорвачилик рентабелли тармоққа айланиб бормоқда, деб сўз бошлади у. Моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келди. Бу йилги қишловни ҳам намунали ўтказдик. Ем-хашак, тўйимли озуқалар мўл жамғарилгани учун сигирлар қишловдан семиз ва серсут бўлиб чиқди.

Совхозда квартал плани ҳам ошириб бажарилди. Чорвадорлар бу йил 789 тонна ўрнига 945 тонна сут топширишга аҳд қилганлар. Ҳар бош сигирдан эса 2250 литр ўрнига 2900 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиш, давлатга 920 тоннадан ортиқ семиз гўшт етказиб бериш уларнинг жанговар шиоридир.

Бу ишларни ферма қизи Сайринисо ва унинг меҳнатсевар дугоналари амалга ошираяпти. Улар бу йил катта ташаббус билан чиқдилар. Ҳар бош сигирдан 3 минг килограммдан ошириб сут соғиб олишга қатъий сўз бердилар. Улар бошлаган ҳаракат, ташаббус, тобора қулоч ёзмоқда.

Н. ТУРАЕВ. Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози.

В. И. ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

РЕВОЛЮЦИОН КУЧЛАРНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Ҳозирги даврнинг асосий мазмуни бир-бирига қарама-қарши икки ижтимоий системанинг — социалистик ва капиталистик системанинг курашидан, социалистик ва миллий-озодлик революцияларидан, империализмнинг ҳалок бўлиши, мустамлакачилик системасининг тугатилиши, янгидан-янги халқларнинг социализм йўлига ўтиши, социализм ва коммунизмнинг жаҳон миқёсида тантана қилишидан иборат. Жаҳонда рўй бераётган ана шу кучли революцион жараёнлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин номи билан боғлиқдир.

Коммунистик партиямиз асосчиси, биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори, халқаро ишчилар синфининг йўлбошчиси, марксизмнинг буюк давомчиси ва гениал революционер Ленин ғоят сермазмун умрини, бутун фаолиятини меҳнатни капитал асоратидан қутқаришдек эзгу ишни амалга оширишга бахш этди. Шу боисдан унинг номи планетамиздаги барча мамлакатлар меҳнаткашлари учун энг азиз ва мўътабар бўлиб қолган.

Ҳозир ер юзида асримизнинг буюк сиймоси — Ильич хотирасини чуқур ҳурмат билан эсга олмайдиган биронта жой йўқ. Лениннинг табаррук номи Ер курраси узра асорат, ҳуқуқсизлик, эксплуатацияга қарши курашга чақирувчи даъват, барча антиимпериалистик кучлар жанговар бирлигининг рамзи, коммунистик идеаллар ғалабасининг гарови бўлиб янграмоқда.

Биз яшаётган ҳозирги даврда жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий-озодлик ҳаракатидан иборат учта буюк революцион куч амал қилмоқда. Марксизм-ленинизм халқаро революцион майдондаги ана шу отрядларга империализм, реакция ва уруш кучларига қарши, инсониятнинг коммунистик келажаги учун курашиш ҳамда ғалаба қозонишнинг илмий йўлини кўрсатиб бераётир.

* * *

Ленинизм капитализмни ағдариб ташлаган халқларни социализм ва коммунизм қуриш назарияси билан қуроллантирди.

Ленин социалистик давлатларнинг капитализм исканжасидаги бошқа халқларни революционлаштирувчи буюк аҳамиятини таъкидлаб, бу давлатларнинг энг биринчи вазифасини қуйидагича таърифлаб берган эди: **«Биз, шундай намуна кўрсатишимиз керакки, бу намунамиз бутун деҳқонлар оммасига ва майда буржуа элементларига ва шу билан бирга қолган мамлакатларга ҳам коммунистик тузум, уклад... пролетариат томонидан вужудга келтирилиши мумкин эканлигига сўз билан ишонтирмасдан, балки амалий кўрсатишимиз лозим, бу жаҳон аҳамиятига эга бўлган вазифадир»** (Асарлар, 31-том, 442-бет). Социалистик мамлакатлар халқларининг янги ҳаёт қуриш йўлида қўлга киритаётган барча ютуқлари ва бу ютуқларнинг буюк ибрат кучи ленинизмга содиқликни, бу таълимотнинг ҳаётбахш кучини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Европа, Осиё ва Латин Америкасидаги ўн тўрт давлатни ўз ичига олувчи жаҳон социализм системаси ҳозирги даврда ҳар қандай озодлик курашининг таянчи бўлиб қолди. Бинобарин у, антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи кучдир. Бу система ўзининг экономикани ривожлантириш борасидаги ютуқлари билан жаҳондаги революцион жараёнларнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социализм мамлакатлари ҳозирда дунёнинг қудратли индустриал районига айланган. Мазкур мамлакатлар Ер шари территориясининг атиги 18 процентини, аҳолисининг эса 10 процентини ташкил этган ҳолда жаҳон саноат маҳсулотининг тахминан учдан бир қисмини ишлаб чиқараётир. Ленин таъбири билан айтганда, бундай иқтисодий ютуқлар мамлакат ичида социалистик қурилиш учун ҳам, шунингдек халқаро революция учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Владимир Ильич, халқ оммаси революцияларга ўз аҳволини яхшилаш соҳасида эришилган натижаларга қараб баҳо беради, деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда экономика, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган ҳар бир тадбир, халқ оммаси моддий фаровонлигини оширишдаги ҳар бир янги қадам социалистик ҳамдўстликдаги меҳнаткашлар кўз ўнгида янги ижтимоий тузумнинг қадр-қимматини тобора оширади, капиталистик дунёдаги революцион кучларни эса зулм ва эксплуатацияга қарши курашни авж олдиришга илҳомлантиради.

КПСС XXIV съездида 1971—1975 йиллар мобайнида мамлакат экономикасини янада равнақ топтириш, йирик социал-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланди. Бу тарихий режалар Ленин таълимоти асосида, унинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган социалистик революциянинг халққа бераётган инъомларининг янги илҳомбахш намунасидир. Ҳозирги беш йилликнинг социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини тез ўстириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришдан иборат асосий вазифаси муваффақиятли ҳал қилинаётир. Бунинг исботи беш йилликнинг биринчи йили якунларида мужассамлашган.

Жаҳон экономикасида ва халқаро сиёсат майдонида катта роль ўйнаётган социализм инсониятга империализмдан халос бўлиш истиқболини кўрсатди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил Москвадаги халқаро кенгашининг Асосий ҳужжатида қайд этилганидек, «жаҳон социалистик системасининг вужудга келганлиги ҳамда ривожланаётганлиги, социализмнинг бутун дунёга илҳомбахш таъсири тарихий тараққиётни тезлаштириш учун шарт-шароит яратди. Социализмнинг олға томон ҳаракат қилиши ва ғалаба қозониши учун янги истиқбол очиб берди».

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари эришган ва эришадиган оламшумул тарихий зафарларнинг калиди — ленинизмга содиқликдир. Ленин таълимотига ва ишига содиқлик бундан буён ҳам социалистик система равнақининг, унинг қудрати, жипслиги ва бирлигини мустаҳкамлашнинг ишончли гарантияси бўлиб қолади.

* * *

Ленинизм капитализм қалъаларида борган сари авж олаётган ишчилар синфи курашига зафар йўлини, социалистик революция йўлини кўрсатиб турибди. Ҳозир тараққий этган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи 200 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Халқаро пролетариатнинг бу катта армияси капитализмга қарши революцион чиқишларни, бутун демократик ва антиимпериалистик курашни ҳаракатга келтирувчи ҳамда сафарбар қилувчи асосий кучдир. Коммунистик ва ишчи партиялар раҳнамолик қилаётган халқаро ишчилар синфининг капиталистик мамлакатлардаги жанговар отрядлари марксизм-ленинизм ғояларини дастур қилиб олиб, капитал ҳукмронлигига қарши сабот билан курашмоқдалар.

Капитализм маддоҳлари зўр бериб марксизм-ленинизмнинг синфлар ва синфий кураш тўғрисидаги назарияси гўё «эскириб» қолди, буржуа жамияти эндиликда «ўрта синфлар жамияти»га айланди, деб жар солмоқдалар. Монополистик буржуазия ҳамма жойда меҳнаткашлар яхши ҳаётга гўё мавжуд тузумни революцион асосда қайта ўзгартирмасдан туриб ҳам эришишлари мумкин, деган хом хаёлларни қарор топтиришга уринмоқда. Капитализмнинг эксплуататорлик агрессив моҳиятини пардалаш учун буржуазиядан садақа олиб турадиган шўрлик «жамиятшунослар» «халқ капитализми», «янги роҳат-фароғат давлати», «фаровонлик жамияти» деган ва бошқа турли-туман ибораларни ўйлаб чиқармоқдалар. Бу билан улар меҳнат билан капитал ўртасида тобора кескинлашиб бораётган синфий курашни яширмоқчи бўладилар.

Буржуа жамиятини бўри устига қўй терисини ёпиш тахлитида бундай бўяб кўрсатишга уринишлари капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи бўлган империализм тўғрисидаги Ленин назариясини фош қилиб ташламоқда. Бинобарин, бундай уринишлар реал ҳаёт ҳақиқатига урилиб чилпарчин бўлаётир. Шуни айтиш кифояки, кейинги ўн йил мобайнида Италия, Япония, Франция, АҚШ, Англия ва бошқа капиталистик мамлакатларни ишчиларнинг кучли забастовкалари бир неча бор ларзага келтирди. Фақат 1970 йилнинг ўзида капиталистик дунёда 65 миллионга яқин ишчи иш ташлади. Коммунистик ва ишчи партиялар Москва кенгаши ишчилар синфининг бундай йирик жангларини таҳлил қилиб «улар янги синфий жангларнинг даракчилари бўлиб, асосли ижтимоий ўзгаришларга, социалистик революцияга, ишчилар синфининг меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан иттифоқликда ўз ҳокимиятини ўрнатишга олиб келиши мумкин» деган хулосани чиқарди. Ҳозирги давр ишчилар синфининг, кенг меҳнаткашлар оммасининг ўз иқтисодий аҳволини яхшилаш учунгина эмас, балки сиёсий талаблар учун ҳам кураши кучайганлиги билан характерланади.

Дунёда кучли революцион жараёнларнинг ривожланиши туфайли социал-демократизмнинг оппортунистик идеологияси ва практикаси тарихий шармандаликка учради, коммунистларнинг идеологияси ва практикаси эса улуғ ғалабаларни қўлга киритди. Ленинизм таълимоти, унинг стратегия ва тактика идеялари империализмга қарши, социализм учун курашда ишчилар синфи қўлида энг ўткир, энг енгувчан қурол вазифасини ўтамоқда.

* * *

Ленинизм миллий-озодлик ҳаракатининг йўлини ёритиб турибди. Ленин мустамлакачиликка қарши революция бутун жаҳон озодлик ҳаракатининг муҳим таркибий қисми, деган назарияни ишлаб чиқиб, мазлум халқларни ажнабийлар асоратидан қутилишининг илмий стратегияси ва тактикаси билан қуроллантирди.

Жаҳон капиталистик системаси занжирини биринчи бўлиб узган Улуғ Октябрь ва унинг ботир даргаси буюк Лениннинг революцион таълимоти кучли миллий-озодлик ҳаракатида, Осиё ва Африка халқларининг уйғонишида янги босқич бўлди. Мустамлака ва қарам мамлакатларда коммунистик партиялар, революцион кучларнинг партиявий группалари ва бошқа оммавий ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Озодлик ҳаракатига отланган халқ оммасининг онги ва уюшқоқлик даражаси юксалди. Озодлик курашчилари куч тўплаб, тажриба орттирдилар. Ленинизм байроғи остида, Улуғ Октябрнинг илҳомбахш таъсири натижасида айрим мамлакатлар озодликка чиқди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин миллий-озодлик ҳаракати ниҳоятда авж олиб кетди. Айтиш мумкинки, миллий озодлик революциялари учун буюк ғалабалар даври бошланди. 1944—1953 йиллар орасида бир қатор мамлакатларнинг халқлари мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташладилар.

Қисқа вақт ичида социалистик система кучга тўлиб, мустаҳкамланди, унинг иқтисодий-ҳарбий қудрати, халқаро миқёсдаги обрўси юксалди. Жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи кучига айланган социализм капитализм мустамлака системасининг емирилишини жуда тезлаштириб юборди. Осиёда бошланган озодлик кураши Африкага ва ниҳоят Латин Америкасига кўчди. Озодлик ороли — Куба революциясининг ғалабаси миллий-озодлик ҳаракатига катта таъсир кўрсатди, курашувчилар сафини дадил ва мустаҳкам қилиб қўйди. Ҳозирнинг ўзида деярлик бутун Осиё ва Африка мустамлакачилик асоратини улоқтириб ташлади. Бу халқларнинг империализмга қарши курашдаги буюк ғалабасидир. Эндиликда мустақиллик олган 70 дан ортиқ ёш миллий давлатлар жаҳон сиёсатига, тинчлик учун кураш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Лениннинг «Шарқ халқлари амалий иш кўриш учун, бутун инсониятнинг тақдири ҳақидаги масалани ҳар бир халқнинг ҳал қилиши учун уйғонмоқда» деган башорати замонанинг реал ҳақиқатига айланди.

Владимир Ильичнинг капитализмни четлаб, социализмга ўтиш назарияси марксизмни ижодий ривожлантиришнинг буюк муваффақиятларидан биридир. Гениал назариётчи бундай деб ёзган эди: «...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин».

Бу таълимотнинг нақадар ҳаётийлигига гуллаб-яшнаётган, коммунизм сари дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз ёрқин мисол бўла олади. Маълумки, Ўзбекистон феодализмдан капитализмни четлаган ҳолда социализмга ўтди. У рус ва бошқа илғор халқларнинг дўстона ёрдамлари туфайли асрий қолоқликни тугатиб, илғорлар қаторидан ўрин олди. Бу ажойиб намуна мустақилликка эришган кўпгина ёш давлатларга тараққиётнинг энг мақбул йўлини танлаб олишга ёрдам бераётир.

Эндиликда мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган халқлар капитализм йўлини тобора қатъият билан рад этмоқдалар ва ўзларининг социализмга тарафдор эканликларини билдирмоқдалар.

Ҳозирги давр шароитида капитализмни четлаб социализмга ўтиш имкониятлари янада кенгайди. Негаки, бундай тараққиёт йўлига қадам қўйган мамлакатларга ҳартарафлама ёрдам бера олувчи қудратли жаҳон социалистик системаси мавжуддир. Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари учун, ленинизм таълимотига кўра, тараққиётнинг капиталистик босқичини кечириш шарт эмас. Аммо уларнинг кўпчилигида социализмга бевосита ўтиш учун зарур шароитлар йўқ. Шунинг учун уларнинг социализм томон тараққиётида махсус босқич бўлиши керак. Бундай босқич нокапиталистик тараққиёт йўлидир. Масалан, Жазоир, Гвинея, Конго (Браззавиль) Миср Араб Республикаси, Сомали, Сурия, Танзания, Бирма каби ёш суверен давлатлар объектив зарурият бўлиб қолган нокапиталистик йўлини танлаб олдилар.

В. И. Лениннинг коммунистик авангарднинг пролетариат бирлигини таъминлашдаги фаолияти ишчилар синфи учун энг қимматлидир, деган кўрсатмаси кўз ўнгимизда амалга ошмоқда. Жаҳон коммунистик ҳаракати замонамизнинг энг таъсирли сиёсий кучига айланди, ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим фактори бўлиб қолди. Партиямиз бундан ярим асрдан зиёд вақт илгари В. И. Ленин раҳбарлигида биринчи марта халқни капитализмни штурм қилишга отлантирган пайтда дунёда 400 минг коммунист бор эди. Ҳозирги кунда 89 коммунистик партия барча — қитъаларда 50 миллиондан ортиқ курашчини бирлаштирган. Коммунистик авангард ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни буржуа диктатурасига қарши кураш учун ягона революцион армия қилиб жипслаштирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замоннинг уч буюк революцион кучи: жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий-озодлик ҳаракати империализмга қарши курашда бирлашмоқда. Бу кучлар ленинизмни дастур қилиб олиб, империализмга ғоят кучли зарбаларни бермоқда. Ленин асарлари жаҳон халқларининг 117 тилида бир неча юз миллион нусхада босилиб чиққан. Дунёдаги биронта авторнинг асари ҳали бундай тақдирга мушарраф бўлмаган. Ҳамма мамлакатларнинг, ҳамма қитъаларнинг одамлари Ильич асарларини ўқимоқда, яшаш ва курашиш борасида шу асарлардан таълим олмоқда.

Ленинизм — замонамизнинг энг илғор идеологияси, порлоқ келажакка интилаётган революцион кучларнинг йўлчи юлдузидир.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитети йиғилишларида ўтган йили кўплаб қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларнинг аксарияти жойларда муваффақиятли амалга оширилди. Қурилган тадбирлар туфайли ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат унумдорлиги ўсиб, тайёрланаётган маҳсулот ҳажми анча кўпайди.

Комбинат партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида қарорларнинг ижроси яна бир бор текширувдан ўтказилди. Йиғилишда ремонт қурилиш бошқармаси бошлиғи Г. Коржоглян, капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Озолин ва Қалмоққир кони директори Ю. Егоров ўртоқлар ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, партком қарорларини амалга ошириш юзасидан ҳар уччала ташкилот коллективи ҳам маълум тадбирларни кўрган. Лекин шунга қарамай ўтган даврда бир қатор вазифалар бажарилмай қолди. Жумладан қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси ошхонаси кенгайтирилмади, марказий ремонт-механика заводи қуюв цехи ўз муддатларида фойдаланишга топширилмади, Қалмоққир конида янги йилнинг дастлабки ойлари плани бажарилмай қолди. Бу нуқсонлар қарорлар ижросига эътиборсизлик билан қаралганлиги туфайли содир бўлди.

Йиғилишда қабул қилинган қарорларни тўла бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар қабул қилинди.

●

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-назарий конференция кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Конференцияда район партия комитети секретари М. Абдураҳимов, пропаганда ва агитация бўлими мудири Т. Ширинов ўртоқлар халқлар дўстлигининг қудратли кучи ҳақида мазмунли доклад қилдилар.

Шундан сўнг конференция қатнашчиларининг қўшимча чиқишлари бўлди. «Далварзин» пахта заводи пропагандисти Т. Абдураҳмонов, Ленин номли колхоз пропагандисти С. Эшқулов, район комсомол комитети секретари Э. Рўзибоев ва «Коммунист» газетаси редакторининг ўринбосари Ф. Зиёдуллаев ўртоқлар СССР нинг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан жойларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб бердилар.

Район «Билим» жамияти ҳузурида ташкил этилган атеизм, педагогика ва журналистика билимлари университети ўз машғулотларини мунтазам равишда олиб бормоқда.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" материаллари изидан

УСТАХОНА БОРМИ?

Шундай сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 4 март сонида босилган материалда Бўка районида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинган эди.

Яқинда редакция шу мақола юзасидан район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ А. Цайдан жавоб хати олди. Унда айтилишича, мақола район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг кенгайтирилган Советида муҳокама қилиниб, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланган. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида пойафзал, устки кийимларни ремонт қилиш ва тикиш устахонаси ишга туширилган. Шундай устахоналар бошқа колхозларда ҳам очилади.

Холодильник, кир ювиш машиналарини ремонт қиладиган устахоналар ишга туширилади.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ШИФОКОРЛАРДАН МИННАТДОРМАН

Мана, Улуғ Ватан урушининг тугаганига чорак асрдан зиёд вақт ўтди ҳамки, унинг асоратлари сақланиб келяпти. Мен ҳам фашист босқинчиларига қарши курашнинг жанговар фронтларида бирнеча марта яраландим. Ғалабадан сўнг оёғимда қолган оғир жароҳат беш марта операция қилинди. Лекин, у тамоман йўқолганича йўқ эди.

Мен навбатдаги даволаниш курсини Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида ўтказдим. Бу даргоҳда ишлайдиган врачлар ҳақида илгари ҳам кўп яхши гапларни эшитиб, матбуотдан ўқиб юрардим. Шу йилнинг февраль-март ойларида ўша даргоҳда даволаниб, шифокорлар ҳақидаги мақтов сўзлар нақадар ўринли эканлигининг гувоҳи бўлдим. Менинг жароҳатимни операция қилган врач Жўрақул Хушвақтовга чексиз миннатдорчилигимни газета орқали изҳор этишни лозим топдим. Шунча йилдан бери давом этиб келаётган жароҳатим бутунлай йўқолди. Ҳозир оёғимда ҳеч қандай оғриқ сезмаяпман.

Шунингдек, мен билан бирга даволанган ва даволанаётган барча кишилар номидан институтнинг Ж. Хушвақтов каби моҳир врачларига миннатдорчилик билдираман.

Йўлдош МИРШАРОПОВ,

Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши инвалиди.

КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

КПСС XXIV съездининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кескин, кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини амалга оширишда касаба союзларнинг иштироки ҳақида, ВЦСПС алоҳида қарор қабул қилган эди. Тошкент консерва заводи, Янгийўл кондитер-ачитқи бирлашмаси, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ва Чирчиқ пойафзал фабрикаси касаба союз комитетлари ана шу қарорни бажариш юзасидан қандай ишлар олиб боришяпти.

Бу соҳадаги ютуқлари ва камчиликлари нималардан иборат? Яқинда касаба союзлари Тошкент область Советининг президиуми мажлисида ана шу масала муҳокама этилди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, юқоридаги корхоналарнинг касаба союз комитетлари ВЦСПСнинг қарорини бажариш юзасидан анчагина иш қилдилар. Коллективлар ўртасида тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мусобақа авж олдирилди. Кенг истеъмол товарлари тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни ишлаб чиқариш учун меҳнат ва материаллар сарфиётини камайтириш бўйича юксак мажбуриятлар қабул қилинди. Консерва заводи, тикувчилик фирмаси ва пойафзал фабрикаси коллективлари зиммаларига олган мажбуриятларини бажарабориб, ўтган йили қўшимча шартли бир миллион банка консерва, 73 минг сўмлик кийим-кечаклар ва 43 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқардилар. Касаба союз комитетлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда тежамкорлик юзасидан айрим тадбирларни амалга оширдилар. Шу туфайли ҳам тикувчилик фирмасида ўтган йили 247 минг сўм самара кўрилди. Чирчиқ пойафзал фабрикасида сермеҳнат жараёнларни механизациялаш натижасида 40 минг сўмликдан кўпроқ фойда олинди.

Аммо бу корхоналарнинг коллективлари маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш бўйича план топшириқларини бажаришни таъминламадилар. Кўп ҳолларда маҳсулот сифати кўнгилдагидек бўлмаяпти. Брак секинлик билан камаймоқда, тайёр маҳсулотларни қайта ишлашга бериш ҳоллари учраб туради, кўплаб рекламациялар тушмоқда. Чунки бу корхоналарнинг айрим цехлари ва участкаларида иш маданияти ва саноат эстетикаси паст. Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар ҳам коллективлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Социалистик мусобақани ташкил этишда катта-катта нуқсонлар бор. Пойафзал фабрикаси, кондитер-ачитқи бирлашмаси ва консерва заводида мусобақанинг индивидуал ва бригада формалари йўлга қўйилмаган, касб бўйича мусобақа ташкил этилмаган. Мусобақа натижалари вақти-вақтида якунланмайди, унинг ошкорлиги таъминланмаган. Доимий ишлаб чиқариш кенгашлари суст ишламоқда. Кондитер-ачитқи бирлашмаси ва консерва заводида бундай кенгашлар умуман тузилмаган.

Касаба союз комитетлари хўжалик раҳбарларининг халқ истеъмоли товарларини кўпайтириш масалалари бўйича ҳисоботларини ўз йиғилишларида муҳокама қилишмайди. Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари ҳамда озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзларининг область комитетлари корхоналар касаба союз ташкилотларининг ишини жонлантиришга зарур даражада ёрдам бермаяпти.

Облсовпроф президиумининг бу масала юзасидан қабул қилган қарорида юқоридаги корхоналар касаба союз комитетларининг зиммасига КПСС XXIV съездининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қарорларини амалга ошириш учун ўз фаолиятларини яхшилаш, кенг истеъмол товарлари айрим турларини тайёрлаш бўйича планларнинг бажарилмаслик сабабларини аниқлаш, мавжуд камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш вазифасини юклади.

К. РАҲИМОВ,
Облсовпроф инструктори.

✦ **КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори Анатолий Александров экскаватор-ремонти заводининг моҳир слесари, корхона халқ контроли группасининг жамоатчи назоратчиси. У вақти-вақти билан ёш ишчилар ҳузурида бўлиб, улар тайёрлаётган деталларни синчковлик билан кўздан кечиради, хато, камчиликлари бўлса бажонидил бартараф этиш йўл-йўриқларини ўргатади.**

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

СССР нинг 50 йиллик юбилейига бағишлаб Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректорати ва партия ташкилоти ташаббуси билан студентларнинг биринчи слёти ўтказилди. Слётни институт ректори В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори профессор А. Имомалиев очди.

Фитипотология кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор Н. Запрометов «Аълочилар — студентлик олтин фонди», институт комсомол комитетининг секретари, Ленин стипендиати Х. Сатторов «Ўқув аълочиси ва жамоат иши» темасида доклад қилдилар.

Докладдан сўнг «Ўқув аълочиси ва мустақил ишлаш методикаси», «Студентларнинг илмий жамияти иши» ҳамда «Жамоат иши» каби секциялар иши давом этди.

Секцияда белгиланган темалар бўйича экономика агрономия, агрохимия, ипакчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўрмончилик, мевачилик факультети студентларидан М. Шодиева, А. Ердалиева, Э. Ускенбаева, Ш. Абдусаматов, З. Саъдуллаев, К. Аширалиев, Я. Тўйчиевлар сўзладилар. Секцияга институт олимларидан В. Зуев, Х. Зиёвутдинова, Т. Абдуллаев, Т. Сиддиқов, Б. Мукашев, К. Раҳмонбердиев ўртоқлар раҳбарлик қилдилар.

Слёт ишида Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари О. Исоқов, Орджоникидзе район комсомол комитетининг биринчи секретари Қ. Холмирзаев, Андижон пахтачилик институти комсомол комитети секретари К. Аҳмадалиев, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти комсомол комитетининг секретари ўринбосари Қ. Қорабоев, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти комсомол комитетининг бюро аъзоси Н. Нормуродов ўртоқлар қатнашдилар.

Слётда институт ректорати меҳмонларга ва аълочи студентларга Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари тақдим қилди.

Слёт иштирокчилари Бутуниттифоқ Ленинчи коммунистик ёшлар Союзи Марказий Комитетига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига мактуб йўллашди.

Слёт охирида институт бадиий ҳаваскорлари ижросида катта концерт берилди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШНИ ПУХТА ЎТКАЗАЙЛИК

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашаётган областимиз пиллачилари йил сайин янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Янги беш йилликнинг дастлабки йилида кўп колхоз ва совхозларда мўл пилла ҳосили етиштирилди. Областда пилла тайёрлаш плани ошириб бажарилди: 1370 ўрнига 1555 тонна пилла сотишга муваффақ бўлинди. Бундай улкан хирмон кўтаришда областнинг барча районлари фаол қатнашди. Ҳар бир қути уруғдан 61,4 килограммдан ҳосил топширилди. Бу 1970 йилга нисбатан 12,9 процент кўпдир.

Шу кунларда областимиз пиллакорлари янги ҳосилга тайёргарлик кўришяпти.

Пилла тайёрлаш планини ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш — қурт боқишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Область хўжаликларида пилла қурти боқадиган 247 инкубатор тайёрлаб қўйилди. Бинолар ремонтдан чиқарилди. Етарли инвентарлар билан таъминланди. Кўп миқдорда ёқилғи ғамлаб қўйилди. Хуллас инкубаторларимиз қурт уруғи етиштиришга тайёр ҳолда турибди. Айниқса, бу иш Оққўрғон, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ районларида яхши ташкил этилган. Мазкур районларда пилла қуртини боқишга тажрибали кишилар ажратилди. Шунингдек, ипак қурти боқиладиган биноларни тайёрлаш ва ремонт қилиш ишлари ҳам намунали олиб борилмоқда.

Қурт боқиладиган уйларни тезда тайёрлаш пайти келди. Бинолар ажратилиши билан бирга уларнинг деворларини оқлаш, дезинфекция қилиш керак.

Шуни айтиш керакки, пиллачилик билан шуғулланаётган айрим хўжаликларда бу муҳим ишга тайёргарлик кўриш чинакамига бошлаб юборилмаган. Қурт боқиладиган бинолар тайёрланмаган, уларни ремонт қилиб, дезинфекциялаш ишларига ҳалига қадар қўл урилмаган. Бундай камчиликларни дарҳол тузатмоқ керак.

Қурт боқиладиган уйларни ёки биноларни танлашда кенг хоналар бўлишига жиддий аҳамият бермоқ лозим. Баъзан қурт боқиладиган хоналар тор бўлиб, сўкчаклар зич қўйилади. Оқибатда пилла қурти кўп жойлашиб, яхши овқатланмайди. Бу эса қуртнинг бир қисмини нобуд бўлишига олиб келади. Шу билан бирга ҳосилнинг кескин камайишига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Тажриба шуни кўрсатдики, баъзи жойларда қурт боқувчилар ва звено аъзолари ишчан, серғайрат кишилар ҳисобига мустаҳкамланмайди. Текширишда бундай фактлар Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида содир бўлаётганлигини кўрсатди. Бу ерда ҳар йили ҳам қурт боқувчилар тажрибали кишилардан танланмайди. Шунга қарамай уларга кўпроқ қути пилла уруғи бериб қўйилади. Пилла қуртлари ўз вақтида барг билан таъмин этилмайди. Бундай тажрибасиз кишилар пилла қуртини сўкчакларга нормадан ташқари кўпроқ жойлаштириб қўйишади.

Пилла қурти боқилишига саноқли кунлар қолди. Бироқ, бу ишга тайёргарлик ҳамма ерда ҳам чинакамига бошлаб юборилган деб бўлмайди. Ҳали ҳам айрим хўжаликларнинг айби билан инвентарлар, ёқилғи, дезинфекция қиладиган химиявий дориворлар келтириб қўйилгани йўқ.

Пилла қурти боқишда ва мўл ҳосил олишда юқоридаги тадбирларни амалга оширишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу билан бирга тут баргини мўл-кўл таъминлаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу йил тут дарахтлари қишдан яхши чиқди, аммо, ҳавонинг совуқ келиши сабабли барг чиқариши анча кечикди.

Мана, ҳаво ҳам исиб кетди. 14-15 апрелдан бошлаб ҳамма районлардаги тутзорларда дарахт барг чиқара бошлади. Ҳаво исиган сари тут барглари кўпаяверади. Тут баргини кўпайтиришда озиқлантиришга катта эътибор бериш керак. Одатдагидек бу йил ҳам тут баргининг ривожланиши икки ҳафта кечикди. Шуни ҳисобга олиб ўтказилган тут дарахтларини тез кунлар ичида суғориш керак. Бу тут баргини тезроқ кўпайишига яқиндан ёрдам беради.

Тут дарахтлари тагига аммиак селитраси солиш ҳам керак. Ипак қуртини боқишга киришилганга қадар ҳар гектар ерга камида 200 килограммдан аммиак селитрасини суперфосфат билан аралаштириб солмоқ лозим. Маълумки, областимизда кўп тут дарахтлари қатор қилиб ўтказилган. Шунинг учун бир туп тут дарахт тагига 0,6 килограммдан аммиак селитраси ва шунча миқдорда суперфосфат солиш мақсадга мувофиқдир. Тутзорларни, шунингдек, тут дарахтларининг тагларини юмшатиб, сўнгра озиқлантириш зарур.

Тут баргларини кўпайтириш ва бундан кейин ҳам улар тез ўсишини таъминлаш мақсадида май ойининг бошларидан бошлаб ҳамма ерда дарахтларни озиқлантиришга киришиш керак. Ҳар гектар ерга 100 килограммдан аммиак селитраси, ариқ, уват, пахтазор чекаларига ўтказилган тут дарахтларининг ёнига 0,3 килограммдан минерал ўғит солинади. 10 майга қадар қўшимча равишда тут дарахтлари суғорилсин. Бу эса баргларнинг тез ўсиб, яхши сақланишига яқиндан ёрдам беради.

Бу йил тут дарахтларини кўпайтириш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. 9 миллион туп кўчат ўтказилди. Айниқса, бу соҳада Оҳангаран районида мақтарли ишлар қилинди: 350 минг ўрнига 1 миллион 100 минг туп кўчат ўтказилди. Оққўрғон, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ райони пиллачилари кўчат ўтказиш планларини анча ошириб бажардилар.

Бу тут дарахти кўчатларини ҳозирдан бошлаб парвариш қилишга киришиш зарур. Суғоришни оммавий бошлаб юбормоқ керак. Кўчат шохларининг синиши ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ҳар бир кўчатни кўкартириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Областимиз пиллачилари тут дарахтларини парвариш қилишни намунали йўлга қўйиш билан бирга пилла қурти боқишни ҳам уюшқоқлик билан ташкил қиладилар. Ҳар бир район ва хўжаликда зиммага олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариб, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини ҳам шараф билан бажарадилар.

А. МАТТИЕВ,
Область пиллачилик идорасининг бошлиғи.
С. ЗИНКИНА,
катта илмий ходим.
А. АЗИЗОВ,
область пиллачилик идорасининг бош агрономи.

БЎСТОНЛИҚ районидаги 13-«Бўстонлиқ» совхозида суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланилмоқда. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Н. Расулов, бош агроном А. Камолов ва механизатор А. Гулматов (ўртада) ўртоқлар мевали кўчатлар ўтказилган майдонларга экилган сабзавотларни кўздан кечирмоқда.
И. Партнов фотоси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ВЬЕТНАМГА БАҒИШЛАНГАН МУЗОКАРАЛАР ЯНА БОШЛАНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

АМЕРИКА авиацияси ВДР территориясини бомбардимон қилаётганлигига қарши жаҳондаги кўпгина мамлакатлардан норозиликлар келиб турибди.

ПРАГА

ЧКП Марказий Комитетининг бош секретари Г. Гусак кеча Колинедаги «Татра» заводи коллективининг йиғилишида сўзлаб, бутун чехословак халқи Қўшма Штатлар Вьетнам территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигини қаттиқ қоралайди, деди.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилган резолюцияда бундай дейилади: «Биз АҚШ ўз қўшинларини Ҳинди-Хитойдан олиб чиқиб кетишини талаб қиламиз. Бирон иғвогарлик қилмай ва зўравонлик билан дўқ қилмай музокаралар олиб бориш—Ҳинди-Хитой проблемасини ҳал этувчи бирдан-бир йўлдир».

БУХАРЕСТ

РУМИНИЯ ҳукумати АҚШнинг ВДРга қарши янги уруш ҳаракатлари муносабати билан баёнот эълон қилди. Румин халқи, дейилади баёнотда, Вьетнам масаласига бағишланган Париждаги музокаралар дарҳол тикланишини талаб қилади, АҚШ ва иттифоқчиларининг ҳамма қўшинлари Ҳинди-Хитойдан дарҳол ва батамом олиб чиқиб кетилсин, деб қатъий айтади.

ВЕНА

АВСТРИЯ Компартияси Марказий Комитети ўз баёнотида бомбардимонлар дарҳол тўхтатилишини ва Париждаги музокаралар яна бошлаб юборилишини талаб қилди.

КОПЕНГАГЕН

ДАНИЯ Компартияси Марказий Комитетининг бугун бу ерда эълон қилинган баёнотида Даниянинг прогрессив жамоатчилиги Америка авиациясининг ВДРдаги катта-катта шаҳарларга қилган ҳужумларидан дарғазаб бўлганлиги айтилади.

ХЕЛЬСИНКИ

ФИНЛЯНДИЯ ҳукумати Вьетнамда Америка агрессияси кенгайиб кетганлиги ва АҚШ авиацияси граждан объектларини бомбардимон қилганлиги муносабати билан таассуф билдирди, дейилади Финляндия ҳукуматининг бу ерда тарқатилган баёнотида.

СТОКГОЛЬМ

ШВЕЦИЯ ҳукумати Вьетнамдаги уруш авж олдирилаётганидан ғоятда ташвишланяпти ва Қўшма Штатларни Париждаги музокараларни яна бошлашга қаттиқ даъват этади, деди парламентда Швеция ташқи ишлар министри К. Викман.

ПОКИСТОН ҲУКУМАТИДАГИ ЎЗГАРИШ

ИСЛОМОБОД

Умумпокистон мусулмонлар иттифоқининг президенти Абдул Қаюмхон ички ишлар ҳамда территориялар ва чегара районлари ишлари министри қилиб тайинланди. Шу чоққача бу лавозимни мамлакат президенти З. А. Бхутто эгаллаб келган эди.

Абдул Қаюмхон — мусулмон иттифоқининг таниқли раҳбаридир. Покистон ташкил этилгандан кейин дастлабки йилларда у ғарбий-шимолий чегара вилоятининг бош министри ва саноат министри эди. Ҳозирги вақтда унинг партияси Валихоннинг миллий халқ партиясига қарама-қарши йўлароқ З. А. Бхуттонинг ҳукмрон партияси билан коалицияга кирди.

МАОЧИЛАРНИНГ СЎЗЛАРИ ВА ИШЛАРИ

Новости матбуот агентлиги «Пекиндагиларнинг нафаси ичига тушиб кетди» деган китобча нашр этди. Китобча авторлари ҳужжат ва материалларга асосланиб маочи раҳбарларнинг сўзлари билан ишлари бир-бирига мутлақо зид эканлигини, Пекиннинг ҳозирги сиёсий шиорлари ва конкрет ҳаракатлари уларнинг ўзлари аввал айтиб келган гаплардан ва қилган ишларидан нақадар бошқача эканлигини кўрсатиб берганлар. Ҳозир маочилар жаҳон жамоатчилигининг кўз ўнгида «аввал айтган гапларидан мутлақо қайтиб» ўзлари атиги бир неча йил муқаддам эълон қилган сиёсий шиорлардан воз кечмоқдалар.

«Сиёсатдаги авантюризм, шиорлар ва амалий ҳаракатларнинг мутлақо бетайинлиги Мао ва унинг группаси фаолиятига жуда хос белгилар бўлиб қолди», — деб ёзади китобча муаллифлари.

Маочилар сиёсий йўлининг тайинсизлиги азобини Хитой халқи зўр машаққат чекиб тортмоқда. «Ўн минг йиллик бахт-саодат»ни таъминлаш тўғрисидаги ваъда ўрнига мамлакат ишлаб чиқаришининг бошбошдоқлиги, ички тартибсизликлар ва ташқи сиёсатдаги авантюралар гирдобига дучор қилинди.

(ТАСС мухбири).

ЛАОС. Ватанпарвар кучларнинг актив ҳаракати туфайли Америка агрессорлари ва уларнинг иттифоқчилари катта талафот кўрмоқда. Суратда: Сангхуанг вилоятида зенитчилар томонидан уриб туширилган Америка самолётининг қолдиқлари.

ВИА—ТАСС фотоси.

СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

БУДАПЕШТ

Будапештда Венгрия Халқ Республикаси Давлат Мажлисининг сессияси ўз ишини бошлади. Республика давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари конституцияга киритиладиган ўзгартишлар лойиҳасини, шунингдек соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишлари лозим. Конституция текстига ўзгартишлар тайёрлаш парламент комиссиясининг раиси Дьюла Каллаи кун тартибидаги биринчи модда юзасидан доклад қилди.

ТУРКИЯ. Анқара мамлакатнинг энг йирик маданий ва маъмурий марказидир. Сўнгги йилларда шаҳарда кўпгина замонавий осмонўпар бинолар қурилди. Суратда: шаҳарнинг Қизилой майдонида қад кўтарган баланд бино.

В. Попов фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

„АПОЛЛОН-16" УЧМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Уч космонавт — Ж. Янг, Ч. Дьюк ва Т. Маттингли ичига тушган «Аполлон-16» космик кемаси Ойга яқинлашмоқда.

19 апрель эрталаб кема Ойнинг тортиш зонасига кирди ва ярим тунда Ой атрофида айланиш орбитасига ўтмоғи лозим. Ж. Янг ва Ч. Дьюк Ой кабинасидаги системаларини яна бир марта текшириб чиқмоқ учун кеманинг асосий блокидан Ой кабинасига икки марта ўтдилар.

20 апрель кун охирида Ж. Янг ва Ч. Дьюк тушган Ой кабинасини Ой юзига қўндириш мўлжалланади. Космик кема асосий бўлмасининг командири Т. Маттингли Ой орбитасида қолади.

Космонавтлар Ойнинг кўзга кўринадиган томонининг жануби-шарқий қисмидаги тоғлик районида Декарт кратеридан сал нарига қўнишлари режалаштирилмоқда. Ж. Янг ва Ч. Дьюк Ой кабинасидан уч марта чиқиб Ой юзида 73 соат ўтказишлари мўлжалланмоқда. Улар «Ой вездеход» машинасига ўтириб олиб теварак-атрофни тадқиқ этадилар.

Тадқиқотлар программасига вулқон фаолияти изларини қидириш ишлари киритилган.

„ЕВРОПА" ДИРИЖАБЛИ ЗАРБ ЕДИ

ЛОНДОН

Англиянинг Бедфорд шаҳри яқинида тўхтаган «Европа» дирижабли лангари узилиб, дарахтга бориб урилди. Учиш аппаратига жиддий шикаст етказилди.

Дирижабль 1.250.000 фунт стерлингга тушган эди. «Европа» ўтган ой биринчи марта учган ва соатига 55 миль тезликка эришган эди.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

«Чирчиксельмаш» заводи 30 ёшга тўлди. Жангу-жадал йиллари ташкил этилган бу корхона ўтган давр мобайнида қишлоқ меҳнаткашларига неча юз минглаб машина ҳамда механизмлар етказиб берди.

Шу кунларда корхонада тайёрланаётган культиваторлар, кўрак териш, каноп ажратиш ва ариқ очиш машиналаридан қайси пахтакор деҳқон ёки ирригатор хурсанд бўлмаяпти, дейсиз.

Завод партия комитетининг секретари ўртоқ А. Руденко коллектив ютуқлари, илғор кишилар, СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигига қандай тайёргарлик кетаётгани ҳақида қуйидагиларни айтди:

— Коллективимиз 1972 йилда ўз зиммасига улкан мажбуриятлар олган. У ҳам бўлса йиллик планни 27 декабрда бажариб, мўлжалдагидан 240 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллион 90 минг сўмлик кўпайтириш, жами 220 минг сўмлик иқтисодий фойда берадиган 260 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этишди.

Заводни интернационал оила, деса бўлади. Бу ерда рус, ўзбек, украин, қозоқ, қирғиз, белорус, татар, уйғур, корейс, грек каби йигирмадан ортиқ миллат вакиллари елкама-елка туриб, моддий бойлик яратмоқда.

Корхонада социалистик мусобақа авж олдириб юборилган. 3 минг 653 киши шахсий мажбурият олиб ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги Чкалов номли Тошкент самолётсозлик заводининг фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати А. Девятова ташаббусига қўшилиб, беш йилликни 3,5—4 йилда бажаришга аҳд қилган. Айниқса, коммунистчасига ишлаш ҳаракати кенг қулоч ёйган. Ҳозир 1280 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган, 22 цех эса коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. Абдураимов, Абкеримов, Зарипов, Татарисов, Аҳмедов кабилар шулар жумласидандир.

Цехлараро мусобақада механика-йиғув цехининг меҳнатчилари пешқадамлик қиляпти. Улар бу йил планга қўшимча 10 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга сўз беришган. Беш йилдирки, завод кўсак терадиган икки қаторли «2—СКО» маркали машиналарни тайёрлаб келаётир. Лекин давр бундан ҳам мураккаброқ машиналарни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам пахтачиликка мослаб ихтисослаштирилган бош конструкторлик бюросининг коллективи янги хил, яъни «СКО—3,6» маркали серунум, бир йўла тўрт қатор ғўза кўсагини териб оладиган машина яратди. 1970 йили тажриба тариқасида 6 та ана шундай машина тайёрланган эди. Синовларда яхши баҳолангач, ўтган йили 50 таси ишлаб чиқарилди. Бу йил дала меҳнаткашларига 900 та кўсак териш машиналари етказиб берилади.

Биринчи кварталнинг ўзидаёқ бундай машиналардан 400 таси тайёрланди. Шунинг билан бир қаторда корхонада «ЧКУ—4» маркали машиналардан ҳам кўплаб тайёрланиб, пахтакорларга юборилмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга ишчи-хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Машинасозлар ўз оталиқларидаги «Северний маяк» колхози меҳнаткашларига яқиндан кўмак беришяпти. Бу йил колхоз деҳқонларига қишлоқ хўжалик машиналари учун 5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, битта «ЛС—1» маркали машина совға қилинади.

Ҳа, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективининг мақсади улкан. Ўз машиналари билан Иттифоқимизнинг пахтакор республикаларига машҳур бўлган Чирчиқ машинасозларининг ишларига ривож тилаймиз.

А. ИСҲОҚОВ.

Серқуёш республикамизда

ФАРҒОНА ПИОНЕРЛАРИНИНГ СОВҒАЛАРИ

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). В. И. Ленин номли 15-мактаб пионерлари шу кўклам кунлари барпо этган боғ Фарғонанинг яшил либосига ҳусн қўшди.

Болалар дарсдан бўш вақтларида ҳувиллаб ётган жойда уч юз эллик тупдан ортиқ мевали дарахт, юзлаб атиргул экдилар, ариқ ковлаб, суғориш шаҳобчасини барпо этдилар. Уларнинг меҳнати зое кетмади. Ҳозир мактаб биноси ёнидаги олча, олма, ўрик кўчатлари барг ёза бошлади.

Пионер ташкилотининг эллик йиллиги номи берилган мактаб боғи Фарғона болаларининг пионернинг олтин юбилейига тортиқ қилган кўпгина ҳадяларидан биридир.

Областдаги 592 пионер дружинасининг ҳаммасидан хуш хабарлар келиб турибди.

ЧЎЛНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИ

БУХОРО, (ЎзТАГ мухбири Ю. Юдин). Бухоро воҳаси чегарасида асрлар бўйи мудраб ётган Малик чўли деб аталган қумлоқ текислик яшил либосга бурканди. Қизилтепа ипакчилари бу ерга биринчи бўлиб 200 минг туп тут кўчати ўтказишди.

Шу йил баҳорда Бухоро областининг чўл ва ярим чўл массивларида тўрт миллион туп тут ниҳоли экилди. Улар ипак қуртига мўл озуқа етиштириб беришдан ташқари тупроқнинг сифатини яхшилайди, қумларнинг экинзорларга ҳужумини тўхтатади, ариқлар соҳилини ювилиб кетишдан асрайди.

„САЛОР“ ДА ЯНГИ КЎПРИК

Луначарское шоссеси. «Салор» станцияси. Бу ер бир вақтлар жуда гавжум бўлган. Бу ердаги устидан темир йўл ўтган эски, пастқам кўприк тор ва кескин бурилиш ҳосил қилгани учун жуда серқатнов йўл ҳаракатига бирмунча ҳалақит берарди. 1970 йилга келиб бу ерда умуман ҳаракат тўхтатилди. «Салор» автостанцияси ҳам бошқа ёққа кўчирилди. Кўп ўтмай, бу ерда 7-қурилиш трестига қарашли 13-кўприк қурувчилар отряди иш бошлаб юборди.

Ҳозир бу ерларни кўриб, таниш олмайди киши. Эски пастқам кўприк ўрнида янги, баланд ва туннеллари катта магистраль йўл билан тўппа-тўғри туташадиган кўприк қад кўтарган. Кўча ҳам анча кенгайди. Илгариги пастқам уйлар бузилиб, йўлкалар кенгайтирилди.

Бу иншоот лойиҳасини «Ташгипротранс» институти ходимлари ишлаб чиққан бўлиб, уни 13-кўприк қурилиши отряди бунёдкорлари амалга оширмоқда. Бу отряд катта иш тажрибасига эга бўлиб, Карл Маркс, Энгельс, Богдан Хмельницкий, ТошМИ ёнида осма йўл ва Оқтепа каналида эса улкан кўприк бунёд этган.

— Ҳозир «Салор» кўприги қурилишида айни масъулиятли пайт, — дейди бош прораб Н. И. Зуев. — Ишни уч сменада олиб боряпмиз. Қурувчиларимиз бу объектни иложи борича тезроқ фойдаланишга топшириш иштиёқи билан меҳнат қилишяпти. 30 тонналик экскаваторлар, компрессорлар, «МАЗ»лар ва бошқа техника воситалари тўхтовсиз ишлаб турибди. Асосий ишлар тугалланди, десак бўлади. Фақат жиҳозлаш ишларигина қолди, холос. Кўприкни безашда мармар ва гранитдан кенг фойдаланилмоқда.

Осма йўл транспорт қатнови учун ҳар жиҳатдан қулай. Унинг баландлиги 5 метр келади ва у Луначарское шоссеси бўйлаб қатнайдиган янги троллейбус линиясини ўтказиш учун мўлжалланган. Тоннеллар ҳар бири энининг узунлиги 12 метр бўлиб, икки томонлама транспорт ҳаракати учун жуда қулай. Бу эски осма йўлга нисбатан уч марта каттадир. Қурувчилар, чунончи, бу ерда бўлажак электричкага олиб чиқадиган ер ости йўли, темир йўл флатформалари ва йўловчилар ўтадиган туннеллар бунёд этадилар.

Ҳа, кўп ўтмай пойтахтнинг энг йирик магистраль йўлларидан бири Луначарское шоссе томонига янги катта «дарвоза» очилади. Бу «дарвоза»ни очишни қурувчилар май ойига мўлжалламоқдалар.

Ю. ГЛЕБОВ.

„МЕНИНГ АКАМ КЛАРНЕТ ЧАЛАДИ“

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Анатолий Алексиннинг Чирчиқдаги химиклар маданият саройи саҳнасида қўйилган «Менинг акам кларнет чалади» спектакли тез кунда кўпгина мухлис орттирди. Сабаби, спектаклда ёш замондошларимизнинг ҳаёти ғоят қизиқарли ва енгил юмор билан кўрсатилади.

Бу спектакль бунёдкорлари профессионал санъаткорлар эмас. Аммо ишчилар, мактаб ўқувчилари ва студентлардан иборат коллектив жиддий ва ҳақиқий санъаткорона тарзда ўйнаган.

Саҳнада кичкина, сочларига катта-катта лента тақиб олган нозиккина қизча Женька пайдо бўлади. Бу ролни саккизинчи синф ўқувчиси Г. Костина ижро этади. Қизчанинг ўз олдига қўйган вазифаси томошабинни беихтиёр жилмайтиради: Женька ўзининг бутун ҳаётини машҳур кишиларнинг сингиллари каби кларнетчи акаси Лёвага бағишламоқчи, акасини машҳур қилмоқчи. Бунинг учун акасининг кечаю-кундуз кларнет билан шуғулланишини талаб қилади, ҳатто уйга қамаб қўйиб ҳам. Яна у акасини ҳар хил «хавфлар»дан сақлайди. Лекин, акаси Лёва «хавфга» дучор бўлади; севиб қолади. Женька эса буни сира ҳам хоҳламайди. Севги дардида кларнет машғулоти узилиб, у машҳур бўла олмайди, деб ўйлайди. У ҳар хил йўллар билан акасини қиздан ажратиб олмоқчи бўлади. Лекин... ўзи сезмай, акасини одамлардан, ҳаётдан ажратиб қўяди.

Спектаклда яна бир неча ниҳоясига етган образлар бор. Шулардан бири постановкачи М. Вайлнинг ўзи ижро этган Лёва образидир. Женьканинг бобоси ҳам таассуротли образлардан. Бу чол ролини ёш студент А. Кулиш ўйнайди. Актёр саҳнада ўзини шунчалик эркин тутадики, натижада партнёр ва томошабин билан муносабат енгил ва тез боғланади. Спектаклда мактаб ўқувчилари А. Антипов, О. Шабардина-Алина ва ишчи А. Хабибулиналар ҳам ёрқин образ ярата олганлар.

Асарни М. Вайль ва Ю. Александровлар саҳналаштирган. Улар ҳозир Тошкент театр ва рассомлик санъати институти театршунослик факультетида таҳсил олаяптилар. Ҳаваскорлар билан ишлаш қанчалик мураккаб бўлишига қарамасдан, улар ягона ансамбль тузишга эришганлар. Юқорида айтиб ўтилганидек бу спектаклда жуда кўп одам қатнашади. Масса билан ишлаш эса анча қийин, лекин режиссёрлар бу ишни жуда яхши бажара олганлар. Спектаклга Бетховен ва Римский-Корсаковларнинг музикаларидан танланган. Н. Авдеева саҳналаштирган рақслар енгил ҳаракати, майинлиги билан томошабинга эстетик завқ бағишлайди.

Бу спектакль Чирчиқ химиклар маданият саройи халқ театри коллективининг дадил қадамидан далолат бериб турибди.

Пўлат ВАЛИЕВ.

Хуш хабарлар

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА ОБОД ПОСЁЛКА

Улуғбек посёлкаси кейинги икки-уч йил ичида ободонлашиб, шаҳар тусини ола бошлади. Бу ерда кўп қаватли турар-жой бинолари, савдо шохобчалари битказилиб ишга туширилди.

Бу йил посёлкани кукаламзорлаштириш учун 7 минг тўп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

ЖОНЛИ БУРЧАК

Райондаги 35-мактабда қуёнчилик билан бирга қушлар бурчаги ҳам ташкил этилди. Ҳозир 100 дан ортиқ қуён боқиляпти. Қушлар бурчагида эса қирғовул, майна, тўти, саъва, чўл тўрғайи каби чиройли ва сайроқи қушлар бор. Биология ўқитувчиси Бозорбой Тожибоев дарсларни мана шу жонли бурчакда олиб боради. Келгусида қушлар яна кўпайтирилиб, янги қуш боқиш хоналари барпо этилади.

ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси йил сайин юксалиб бормоқда. Агар фабрика коллективи 1971 йилда давлатга 8,6 миллион дона тухум, 160 тонна парранда гўшти сотган бўлса, 1975 йилга бориб фабрика аҳоли дастурхонига 30,5 миллион дона тухум, 202 тонна парранда гўшти етказиб бериш мажбуриятини олган. Шу мақсадда янги-янги цехлар қуриляпти. Қурувчилар яқинда 31 минг парранда боқиладиган экспериментал цехни фойдаланишга топширдилар. Беш йиллик охиригача ана шундай цехлардан яна 6—7 тасини қуриш мўлжалланмоқда.

И. РУСТАМОВ,
Н. АБДУРАСУЛОВ.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21, 22, 23 АПРЕЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

АШУЛА ВА РАҚС «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти

ГАВҲАР РАҲИМОВА

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1, 2 МАЙ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ 8 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХУШОВОЗ ХОНАНДА ВА СОЗАНДАЛАР, ЛИРИК ҚЎШИҚЧИЛАР, МИНИАТЮРА ВА СЎЗ УСТАЛАРИ, АСКИЯЧИЛАР

1972 ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ҚЎШИҚ КОНКУРСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

БИЛЕТЛАР 25 апрелдан бошлаб Свердлов номли концерт зали ва Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида кундуз соат 2 дан сотилади.

Афиша ва эълонларни кузатиб боринг!

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА!

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТОШПЎЛАТ ТУРСУНОВ асари.

„ДАРБАДАР“

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — В. С. ИОГЕЛЬСОН,
Рассом — А. Ю. АНИСИМОВ.

Янгиликлар

НЕБИТ—ДОҒ

✦ Қорақумда нефть қидирилаётган янги Гограндоғ участкасида биринчи газ фонтани отилиб чиқди. Чуқирлиги 3300 метр бўлган бу кон-қудуқ кунига 200 минг куб метр зангори ёқилғи ва кўп миқдорда конденсат бериб турибди.

КРАСНОЯРСК

✦ СИБИРДАГИ оғир машинасозлик заводида узунлиги 60 метргача бўлган кранли кўприклар режасини тузмоқ учун тўхтовсиз нур бериб турадиган гели-неонли лазерлар ишлатила бошлади. Кўзга кўриниб турадиган бу нур деталларни жуда аниқлик билан ишлаб чиқишга, монтаж қилишга имконият беради. Краматорск олимлари лазерларни монтаж қилишда машинасозларга ёрдам бердилар.

ДЗЕРЖИНСК

✦ ФЕНОЛ заводида нафталинни тозалашнинг прогрессив усули жорий қилинди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланди, сув ва электр энергия сарфлаш камайди. Шу туфайли корхона йилига 300 минг сўм маблағни тежаш имкониятига эга бўлди. Нафталинни тозалашнинг янги усулини завод инженерлари ва ишчиларининг ўзи ишлаб чиқди.

ТЮМЕНЬ

✦ ПИШМИНСК ёғоч комбинати нефтчилар, геологлар, дарахт кесувчилар учун қулай бўлган йиғма уйлар ишлаб чиқара бошлади. Бундай уйларнинг ҳар бири одам яшайдиган учта хона ва рўзғор учун керакли бўлмалардан иборат. Бундай уйни йиғиш учун секцияларни туташтириб болтларни бураб қўйишнинг ўзи кифоя қилади.

ЕРЕВАН

✦ АРМОНИСТОН пойтахтининг бир чеккасида сирланган идишлар ишлаб чиқарадиган завод қурила бошлади. Бу завод республикада мана шундай корхоналарнинг энг каттаси бўлади.

ПСКОВ

✦ БЕЖАНИЦКИЙ районидаги «Красний луч» ойна заводи Ватанимизда ишланган ҳамма хил автомобиллар учун туманда ёқиладиган янги чироқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Температура кескин ўзгаришларга яхши бардош берган янги линзанинг ёруғлик ўтказиш қобилияти жуда яхши. Корхона йил охиригача неча ўн мингта шундай фара тайёрлаб беради.

СЕВЕРОУРАЛЬСК

✦ БОКСИТ конидаги «14—14 БИС» шахтасида биринчи ер ости ошхонаси очилди. Коннинг иккинчи шахтасида ҳам шундай ошхона қурилмоқда.

КИРОВ

✦ ХРОМ моллар ишлаб чиқарувчи завод дастабки юз минг квадрат дециметр хром ишлаб чиқарди. Бу завод Коминтерн номли пойафзал комбинати ҳузурида қурилди. Корхона лойиҳадаги қувватига эришгач, ҳар йили 170 миллион квадрат дециметрдан зиёд пишган тери чиқаради. Бу теридан 10—15 миллион жуфт пойафзал тикиш мумкин.

(ТАСС мухбири.)



✦ ЧИРЧИҚДА ҳар йили кўплаб магазинлар ишга туширилмоқда. Яқинда шаҳарнинг янги микрорайонида сабзавот маҳсулотлари сотиш учун ихтисослаштирилган ўз-ўзига хизмат магазини очилди. Магазин яхши жиҳозланган хоналарга жойлашган бўлиб, унда юксак маданий савдо хизмати йўлга қўйилган. Суратларда: (ўнгда) сотувчи Т. Кутукова сабзавотларни махсус секталарга жойламоқда. (Чапда) янги магазин бўлимларидан бирида.

В. Тюргашкин фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мукофоти учун чавандозлар мусобақаси бўлди. Суратларда: шу мусобақаларда Ўзбекистон командаси составида иштирок этган спорт мастерлари Николай Катьков ва Тамара Сатухина.

А. АБАЛЯН фотолари.

ЯНА „СПАРТАК“ ҒОЛИБ

Марказий «Юбилей» спорт саройида ўтказилган «Тошкент музи—72» анъанавий баҳорги хоккей турнири тугади. Ўтган йилгидек бу сафар ҳам Москванинг «Спартак» командаси — фахрий соврин эгаси бўлди. Спартакчилар беш учрашувнинг ҳаммасини ғалаба билан якунладилар. Республика спорт комитетининг кубоги команда капитани ва ўйновчи тренер Вячеслав Старшиновга топширилди. Совет хоккейининг ветеранларидан бири бўлган бу спортчи «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг энг яхши ҳужумчи учун таъсис этган мукофотини ҳам қўлга киритди.

Иккинчи ўрин Воскресенскнинг «Химик» командасига, учинчи ўрин Москванинг «Крылья советов» хоккейчиларига тегди. Челябинскнинг «Трактор» коллективи тўртинчи бўлди. Тошкентнинг ёш «Спартак» командаси кучлилар билан тенгма-тенг курашди. У «Химик» билан дуранг қилди, Горькийнинг «Торпедо» командасини мағлубиятга учратди ва турнирда торпедочилардан олдинги ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳамшаҳарларимиз ғалабага бўлган иродаси учун совриннинг қўлга киритдилар.

«Тошкент музи—72» мусобақалари ўзбекистонлик хоккей мухлисларида яхши таассурот қолдирди.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Шахмат бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика шахсий-команда биринчилиги мусобақалари Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Бу ерга Ўзбекистон областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри вакиллари тўпланга эдилар. Шахсий ҳисобда тошкентлик А. Мавлонов билан Сурхондарё области шахматчиси К. Шличкова чемпион бўлдилар. Команда биринчилигида областимиз шахматчилари ғолиб чиқишди.

СССР — ПЕРУ

30 апрелда мамлакатимиз миллий терма командаси Европа чемпионатининг чорак финалида Югославия футболчилари билан масъулиятли мусобақани ўтказадилар. Бу учрашув олдидан СССР терма командаси ўтган куни Киевда жаҳон чемпионатида иштирок этган кучли командалардан бири — Перу футболчилари билан контроль ўйини қилди. Совет терма командаси қуйидаги составда майдонга тушди: Рудаков, Дзодзуашвили, Хурцилава (капитан), Капличний, Матвеенко, Колотов, Трошкин, Коньков, Шевченко, Банишевский, Козинкевич.

Биринчи бўлимнинг 14 ва 18-минутларида Банишевский, сўнгра Коньков иккита тўп киритдилар.

Танаффусдан сўнг Шевченко ўрнига Иштоян майдонга тушди. Перуликлар ҳисобни ўзгартириш учун актив ҳаракат қилдилар. Лекин Рудаков меҳмонларнинг кучли зарбаларини муваффақиятли бартараф этди. Мамалкатимиз терма командаси капитани Хурцилава тепган тўп бир марта меҳмонлар дарвозаси штангасидан қайтди.

Совет футболчилари 2:0 ҳисобини сақлаб қолдилар. Энди ватандошларимиз Белградга учиш олдидан «Черноморец» билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

«Тошкент музи—72» турнирининг ғолиби — Москва спартакчилари. Суратда: спартакчилар капитани В. Старшиновга мукофот топширилмоқда.

Х. Носиров фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.40 — Кўрсатувлар программаси, 17.45 — «Ахборот» информацион программаси (ўзбек ва рус тилларида).

18.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча» телевизион журнали. 18.40— «Генерал Ази Аслонов» (ҳужжатли фильм). 19.00 — ЎЗБЕКИСТОНДА СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА (Санъат саройидан олиб кўрсатилади). 22.30 — «Кинопублицист экрани». «ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Тўлқинда—02».

Ўзбек тилида: 20.30 — «Афсонавий дийёрга саёҳат» (телевизион фильм), 20.55 — Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да Олтин девор, 22/IV да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IV да Ажаб савдолар.

КИНО

Жинолтчи «Уэмбли» стадионида ўтирибди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА», (кундуз соат 2 ва кеч 8.20 минутда).

Генерал учун тузоқ — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9.45 минутда).

Муҳаббат фожиаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 11 ва 5 да).

Любавинларнинг тугатилиши — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

3 май кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химиявий технология бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 19-уй)да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

Ф. Д. Азимова: «Портландцемент асосида олинган цемент тошининг структураланиши ва чидамлилигига полимер таъсири» деган темада;

техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун Ш. С. Номозов: «Каратау фосфоритларини азот кислотаси ва калий хлоридини фосфор кислотаси билан парчалаш асосида олинган комплекс концентрланган ўғитлар» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

«ЎЗБЕКЭЛЕКТРОТЕРМ» БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ УСКУНАЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ СЕКТОРИГА

(Матросская кўчаси, 176-уй) технологик ускуналарни ишлаб чиқиш ва электротехника буюмларини тайёрлашнинг технологик процессларини ишлаб чиқиш бўйича инженерлар ва техник-конструкторлар

КЕРАК

Меҳнатга штат рўйхати бўйича ҳақ тўланади.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат министрлигининг (Баранов кўчаси, 40-уй) КОНТРОЛЬ-РЕВИЗИЯ БЎЛИМИГА катта бухгалтер-ревизорлар, бухгалтер-ревизорлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИГА

(Уста-Ширин кўчаси, 123-уй) фрезерчилар, токарлар, слесарь-асбобсозлар, электрчилар ва газ пайвандчилар, операторлар, контролёрлар, пишрувчилар, шиша ишлаб чиқариш ишчилари, шофёрлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мутахассисликка эга бўлмаган йигит ва қизлар ўқитилади.

Ишчиларга завод транспорти хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ҳар тўғрида

ЙЎТАЛУВЧИ... ГУЛ

Тропик мамлакатларда жуда кўп ажойиб ўсимликлар бор. Шулардан бирини маҳаллий аҳоли «йўталувчи гул» деб атайди. Бунинг сабаби шундаки, агар бу гулнинг баргларига чанг ё тупроқ қўнгудек бўлса, ўсимлик пуфакка ўхшаб кенгайиб, ўз баргидан тушириб юборади. Ана шу вақтда кишиларнинг йўталишини эслатадиган кучсизгина овоз эшитилади.

ЧЎЛ МАЁҚЛАРИ

Ҳозирги вақтгача фақат денгиз маёқларини билардик. Энди эса бепоён Ливия саҳросида ҳам маёқлар ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу ерда ўрнатиладиган маёқлар ва сигнал мачталарининг бутун бир тармоғи чўлда адашиб қолган кишиларга йўл кўрсатади. Бу маёқлар устида доимо тутун бурқсиб туради.

ҒАЛАТИ САБАБ

Кейинги вақтда Флориданинг қатор пляжлари жойлашган қумликларда энг катта денгиз тошбақалари кўплаб нобуд бўлаётгани ташвишга солиб қўйди. Бунинг сабаби узоқ текширишдан сўнггина маълум бўлиб қолди. Аниқланишича, бунга дам олувчиларнинг ўзлари айбдор эканлар. Нега дейсизми? Яхшиси, Флоридадаги Майамибич курорт шаҳрининг ҳамма жойига ёпиштириб қўйилган мана бу эълонга диққат қилинг: «Хоним ва жентльменлар! денгизда сайр қилаётганингизда нонушта солиб келган полиэтилен ўрамаларини денгизга ташлаб юборманг. Катта денгиз тошбақалар бу ўрама полиэтиленларини ютиб юборгач ҳазм қилолмай, нобуд бўлишяпти».

ҒОЯТ МУШКУЛ ОПЕРАЦИЯ

Польшанинг Лодзь воеводлигидаги Згеж шаҳрининг врачлари ноёб операцияни амалга оширишди. Бу ердаги касалхонага теплицада ишлаётган вақтида яраланган 16 ёшлик Богуслав Куснежни келтиришди. Ўткир шиша синиқлари унинг ўнг қўли тирсагидан юқори жойда қон томирларини, елка артерияси, асаб томирлари ва пайларини кесиб кетган эди. Аммо суяк омон қолган эди. Бундай ҳолларда қўлни кесиб ташлаш тавсия этилади, аммо врачлар қўлни ажралган жойидан тикиб улашга уриниб кўрмоқчи бўлдилар. Камдан кам учрайдиган бу операция бир неча соат давом этди ҳамда ғалаба билан тугалланди.

Ҳозир Богуслав ўнг қўлини бемалол ишга соляпти, унинг сезиш қобилияти ҳам тўла тикланди.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи мухбирлар университети тингловчиларнинг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03408. ИНДЕКС 64697. Б. 1734.